

ТАЪЗИЯ



05:30 / 25.07.2020 1837

Nilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Наманганлик қол ва ҳол илми билимдони, устоз мураббий Олимхон домлани вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг Ислom йўлида қилган барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, жаннати фирдавсдан жой ато қилсин, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча мусибатзадаларга Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин. Йўқотганларининг ўрнини яхшиликлар билан тўлдирсин! Ажрларини улуғ қилиб, офиятида бардавом айласин!

Уламолар замон тургунича боқийдирлар. Таналари йўқолса ҳам, хотиралари қалбларда мавжуддир.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали таҳририяти